



## МУСИҚА МАДАНИЯТИ ТУШУНЧАСИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ, ТАРКИБИ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ.

**Турсунова Лайло Ергашевна**

Фарғона давлат университети Санъатшунослик факультети  
мусиқий таълим ва маданияти кафедраси ўқитувчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8330818>

Жаҳонда муסיқа санъатининг замонавий талаба ёшлар эстетик маданиятига таъсирини илмий ўрганиш, уларнинг эстетик дид ва тафаккурини юксалтиришда миллий муסיқа маданиятининг ўрни масалалари долзарб ижтимоий муаммолардан бири сифатида баҳоланмоқда. Бу эса замонавий фан ютуқларидан ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлашда фойдаланишни тақозо этади. Айниқса, мумтоз ва замонавий муסיқий меросни асраб-авайлаш, ижтимоий онгда муסיқий тафаккурни ривожлантириш ва бу асосда муסיқанинг тарбиявийлик хусусияти орқали муסיқани ҳаракатлантирувчи ва фориғловчи маънавий эстетик ҳодиса эканлиги ва бугунги кунда инсон – маданият – жамият муносабатларини ҳамда замонавий талаба ёшларнинг эстетик маданиятини юксалтириш ҳақидаги тушунчаларни фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш долзарб аҳамиятга эгаллигини кўрсатмоқда.

Калит сўзлари: ижтимоий, концептуал, мужжасамлашган, халқ рухияти, мумтоз, фориғ, фолкльор, жозибали

“Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт олдимизга қўяётган бир-бирдан мураккаб ва муҳим масалаларни ҳал қилиш ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ечими айнан таълим-тарбия билан, ёшларни дунёқарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз”<sup>1</sup>.

Дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказларида маданиятни, шу жумладан, муסיқа маданиятини ривожлантириш орқали замонавий ёшлар эстетик маданиятини, шу билан бирга, инсон маънавий-маърифий даражасини юксалтириш, уларни талаба ёшлар эстетик онгига интеллектуал таъсир кўрсатиш механизмларини ишлаб чиқиш каби тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Чунки, миллий муסיқа маънавий камолликка етакловчи эстетик воситалардан биридир. Муסיқанинг ҳар қандай жанри маънавий тарбия асоси бўла олади. Бу эса миллий қадрият, маънавий баркамоллик, умрбоқий анъаналар ҳамда

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ. 2-том 2018. –Б. 448





аждодлар таълимотларини талаба ёшлар онги ва турмуш тарзига сингдиришда муסיқанинг тарбиявий муаммоларини инновацион методлар воситасида махсус илмий тадқиқ қилиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам **“аҳолининг бадиий-эстетик дидини юксалтириш”** вазифалари доирасида талаба ёшларларнинг эстетик маданиятини юксалтириш, уларни ёмонликлардан узоқ бўлиб юришларига тайёрлаш, муסיқа маданияти орқали уларнинг қалбини фориғлаш ва эзгу истакларни жойлаш, умуман, талаба ёшларда эстетик дид ва юксак ахлоқий улуғворлик фазилатларини ривожлантириш муҳим ижтимоий вазифалардан бири сифатида баҳоланмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда, миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясида, Янги Ўзбекистон тараққиёти сратегиясида миллий маданиятни ривожлантиришга доир муҳим вазифалар белгиланган. Ўз навбатида ўрганилаётган илмий тадқиқотлар, юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар “Учинчи Ренессанс – миллий тараққиётимизнинг янги даври пойдеворини яратишга хизмат қилади”. 2

Муסיқий-назарий фикрнинг мумтоз намуналари ҳам айна мусулмон маданияти гуллаб яшнаган даврда яратилди. Ўзбек шарқшунос олимларининг янги тадқиқотлари ва Ўрта асрдаги Марказий Осиё мутафаккирларининг муסיқага оид рисоалари ўзбек халқи муסיқа маданияти тараққиётининг тарихий жараёнини тасаввур қилишимизга ёрдам беради.

Буюк қомусий аллома ва мутафаккирлар Абу Наср ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Кавкабий, мутассавуф олимлар – Имом Ғаззолий, Калободий Бухорий каби мутафаккирлар Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари бадиий анъаналарини илмий умумлаштириш, қадимги юнонларнинг муסיқа назарияси соҳасидаги ютуқларини қайта ўрганиш негизида муסיқа илми соҳасида чинакам фундаментал асарлар яратишди. Улар муסיқий маданиятни ахлоқ ва нафосат мезонлари билан баҳолаганлар, унинг моҳиятини ахлоқ ва нафосат уйғунлигида кўрганлар. Жумладан, Абу Наср Муҳаммад ал-Фаробий санъатнинг, айниқса, шеърийат, муסיқанинг руҳий

2 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Конституциянинг 28 йиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги. <http://xs.uz/uz/post/ozbekiston-khalqiga-bayram-tabrigi-2>





ҳаёт инъикоси эканлигини ҳамда унинг кишиларга чуқур эстетик таъсир этиш хусусиятларини алоҳида таърифлайди.

Ўзбек миллий мусиқа маданияти инсон руҳиятини ифодаловчи чуқур мазмунли, асрлардан асрларга ўтиб келган анъанавий турларга эга бўлган миллий меросдир. Уни ўрганувчи, тўпловчи, шарҳловчи олимлар қаторида Абдурауф Фитратнинг фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Унинг “Ўзбек классик (мумтоз) мусиқаси ва унинг тарихи” китобида ХХ асрнинг 20-йилларида Ўзбекистон мусиқа маданиятида янги оқимлар пайдо бўлаётгани акс этди.

Машҳур ўзбек мусиқашуноси ва бастакори Ю.Ражабий умр бўйи халқ куйларини ёзиб олиб, тўплаб, уларни нашр қилиб меросимизни сақлаб қолишга улкан ҳисса қўшган. “Ўзбек халқ мусиқаси” кўп томли тўпламни 1-4-томларини Ю.Ражабий нашр қилдирган ва уларда ўзбек халқ кўшиқлари билан бир қаторда миллий қадриятимиз бўлган миллий мақом санъатига оид маълумотларни батафсил ёритган.

Мусиқа маданиятининг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-эстетик, сиёсий асосларининг илмий таҳлилига бағишланган қатор тадқиқот ишлари ҳамда мақолалар чоп этилган. Бу борада Ф.Ибрагимова, Қодирқул Рўзматзода, А.Қамбаров каби олимларнинг махсус илмий-тадқиқот ишларини алоҳида қайд этиш мумкин<sup>3</sup>. Бироқ юқорида келтирилган олимларнинг тадқиқот ишларида талаба ёшлар эстетик маданиятини юксалтиришда миллий мусиқанинг ўрни масалалари фалсафий жиҳатлари махсус ўрганилмаганлиги ҳам мазкур тадқиқот ишининг аҳамиятини оширади.

Бугунги кунда талаба ёшлар эстетик маданиятини юксалтиришда миллий мусиқа ўрни масаласини фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилиш тобора долзарб масалага айланмоқда. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”<sup>4</sup>ги қарорида ҳам айнан шу масалага эътибор қаратилган. Зеро, “Мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодга безавол етказиш...”<sup>5</sup> олий мақсадларимиздан бири бўлиб қолиши керак.

3 Рўзматзода Қ., Қамбаров А.А. Миллий мусиқа – маънавий камолот. Гулистон журнали. –Тошкент: 1996. № 2. –Б. 32-33. Ибрагимова Ф. Ўзбекистонда бадиий маданиятнинг янгиланиш жараёнлари. Автореферат. Фал.ф.н. – Тошкент: 2009.

4 Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. –Тошкент: 2022 йил 2 февраль.

5 Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Тошкент: Маънавият. 2008. –Б. 140





Дунёдаги ҳар бир халқ ўзининг қадимий тарихига эга бўлган муסיқий анъаналари билан ажралиб туради. Шу жумладан, ўзбек муסיқаси ҳам жуда қадимий бўлиб, у ўзининг мазкур соҳага тегишли бўлган анъаналари ва қадриятларига эгадир. Шу билан бирга, ўзбек халқ муסיқа маданияти ўзининг миллийлиги ва мукамал даражада шаклланган бетакрор халқ ва мумтоз муסיқаси билан ажралиб туради. Ижтимоий тараққиёт ривожланган сари муסיқани тушуниш, унинг моҳияти ва тарбиявий вазифаларини концептуал англаш зарурати ортиб бормоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамыз. –Тошкент: Ўзбекистон. 2017
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ. 2-том. 2018. –Б. 443, 448
3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фааровон бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ. 3-том. 2019. –Б. 102
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ. 4-том. 2020. 344
5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: Ўзбекистон. 2021.
6. Абдулла Шер, Баҳодир Хусанов. Эстетика. Услубий қўлланма. 2-нашр. –Тошкент: ЎЗМУ. 2008. – Б. 34.
7. Умаров Э, Шеров.А, Хусанов Б. Эстетика. Услубий қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар жамияти, 2010. –Б. 92, 102.
8. Арзиматова И.М. Эстетик маданият. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. 2007. –Б. 23
9. Арзиматова И.М. Эстетик маданият ва маънавий камолот. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ. 2009. –Б. 61, 102
10. Арзиматова И.М. Шахс камолоти: эстетик тарбия ва тумуш тарзи эстетикаси. –Фарғона: Фарғона нашриёти. 2016. –Б. 33, 42

